# ҚИШЛОҚДА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Областда ижарага олувчилар юксак самара билан ишлаётганлигини кўрсатувчи анчагина ёрқин ва ишонарли мисоллар бор. Сизлар уларнинг тажрибаси билан қўлингиздаги материаллар орқали танишишингиз мумкин. Биз кўпгина кашшофларни бугунги учрашувга таклиф этганмиз. Сизлар уларнинг айримларини бевосита иш жойларида учратасиз.

Ўзаро иқтисодий муносабатларнинг янги формаси салмоқли натижалар бермоқда. Мисол учун Владимир Эрбертович Райс бошчилик қилаётган коллективни олиб кўрайлик. У Урицкий районининг КПСС номли тобора қолоқлашаётган колхозида ўз ҳолига ташлаб қўйилган ферманн ижарага олди. Фермада ҳар бир сигирдан 1850 килограммдан сут соғиб олинар эди. Ижарачилар коллективи хизмат кўрсатувчи ходимлардан 10 кишини қисқартириб, икки йил ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 1750 килограмм кўпайтирди.

Знаменский районидаги «Новая жизнь» колхозидан Плеханов номли ферма район комсомол комитети бюросининг аъзоси Елена Сергеевна Знаменская бошчилик қилган коллективга ижарага берилгач, бу ерда ҳам шундай муваффақиятга эришилди. Бугунги кунда фермада ҳар бир сигирдан тўрт минг килограммдан сут соғиб олиниб, маҳсулот таннархи кескин арзонлашмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, аммо улар ўз кўрсаткичлари билангина эмас, одамлар психологияси, уларнинг кайфияти кўп даражада ўзгарганлиги билан ҳам мароқлидир. Масалан, Вишне-Ольшанский совхозидан Виктор Перфильевич Дорофеевнинг оиласи 500 та чўчқа боласини боқиб семиртиришни ўз зиммасига олди. Илгари бу ишни 5 киши бажарар ва жами чўчқа болалари бир ойда етти центнердан кўп семирмасди. Дорофеев хотини билан бирга биринчи ойнинг ўзидаёқ чўчқа болаларини 45 центнер, сўнгра 50 центнер семиртиришга эришди. Ҳозир эса жониворларнинг ҳар бир центнер семиртирилиши 130 сўмга тушган ҳолда уларнинг вазнини 60 центнердан кўпроқ оширишга эришилмоқда.

Эндиликда эр-хотин бундан қувонмоқда ва уларнинг фарзандлари ҳам ота-онаси билан фахрланмоқдалар. Яқинда область партия комитетида ижарачилар билан бўлиб ўтган учрашувда Виктор Перфильевич шундай воқеани сўзлаб берди. Район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаётган унинг ўғли фермага отаси олдига келиб: «Дада, келинг сизни бир ўпиб қўяй. Барча йигитлар сиз менинг отам эканлигингиз ростми?» — деб сўрашмоқда.

16 йил колхоз раиси бўлиб ишлаган, эндиликда эса кўп йиллик ўт-ўланлар уруғини етиштирадиган оилавий кооператив ташкилотчиси Леонид Петрович Пешехонов бу ҳақда шундай деди: «Орқамдан икки ўғлим трактор бошқариб келаётган далага қараб дилим яйраб кетади. Раис бўлган чоғларимда ҳеч қачон бундай бахтиёрликни ҳис этмаган эдим». Айни вақтда шуни айтиш лозимки, унинг иккала ўғли ва келини Тимирязев академиясининг яйловларни парвариш қилиш ва кўпайтириш факультетини тамомлаганлар.

Бу ўртоқлар, камдан-кам учрайдиган воқеалар эмас. Умуман областдаги ижара коллективларида бу йил меҳнат унумдорлиги меҳнатни одатдаги ташкил этишга нисбатан 1,9 баравар ошди, иш ҳақи эса атиги 25 процент кўпайди. Ҳозирги вақтда областда 400 дан ортиқ оилавий коллектив ишлаб турибди, 53 та хўжалик эса бутунлай ижара пудратига ўтди. Демак, деҳқончилик илдизлари ҳали барҳаёт, бу эса партиявий ишда энг муҳимидир. Мазкур масала ўтказилаётган район ҳисобот сайлов партия конференцияларида асосий масалалардан биридир.

Иккинчи. Ижара кун тартибига барча раҳбарлар ва мутахассисларни уларнинг меҳнатига умумий даромадга қараб ҳақ тўлашга ўтказишни зарур шарт қилиб қўйди. Ўтган йилдан бошлаб хўжаликларнинг барча раҳбарлари ва мутахассислари, шу йилнинг январидан бошлаб эса район агросаноат бирлашмасининг барча мутахассислари меҳнатга ҳақ тўлашнинг ана шундай формасига ўтказилди. Бу эса уларнинг интенсив технологияларни ўзлаштиришдан манфаатдорлигини оширди, фан-техника тараққиёти ютуқларини активроқ ўзлаштиришга мажбур этди. Биз бу ишга мунтазамлик бахш этиш мақсадида еттита илмий ишлаб чиқариш системаси, жумладан оқсил ва ем-хашак, дон, наслчилик иши ва бошқа йўналишлар бўйича илмий ишлаб чиқариш системалари ташкил этдик. Уларнинг баъзилари бу ердаги виставкага қўйилган.

Қуйи ташкилий структурадаги ўзгаришлар район ва область даражасида агросаноат комплекси бошқарувини структуравий жиҳатдан ўзгартириш заруратини ўртага қўйди. Эндиликда хўжаликлар раҳбарларининг ўзлари партия конференцияларида масалани шу таҳлитда ўртага қўймоқдалар: хизмат кўрсатаётган тармоқни бошқача қайта ташкил этиш мумкин бўлмаса, келинглар, биз уларни сотиб оламиз. Демак, вақт кутиб ўтирмайди. Областимизда ҳозирнинг ўзидаёқ чет эл фирмалари билан алоқа ўрната бошлаган «Ливни» агрокомбинати икки йилдан бери ишлаб турибди. Орёл ва Урицкий районларининг агросаноат бирлашмалари бошқарувнинг кооператив формасига ўтказилди. Мутахассислар ижара коллективларига ишга ўта бошладилар. Эндиликда бундай коллективларда 500 дан ортиқ агроном, инженер, зоотехник меҳнат қилмоқда.

Аммо аграр комплексда биз дуч келган қийинчиликларни ана шундай тадбирлар билангина ҳал этиб бўлмас эди. Турмуш қишлоқда социал ўзгартишларни қатъиян талаб этди. Биз бу вазифани қолоқ хўжаликларни қайта тиклашдан бошладик. Ана шу хўжаликлар оёққа туриб олиши учун реал имконият бериш керак бўлди. Бунинг учун 106 та энг қолоқ колхоз ва совхозни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ комплекс программасини ишлаб чиқдик ва рўёбга чиқармоқдамиз. Мазкур хўжаликлардаги аҳволни бошқа ҳеч қандай чора-тадбирлар тузата олмаган эди. Бу борада пудратчи ташкилотлар кучи билан яшаш учун барча воситаларга, ривожланган социал соҳага эга бўлган посёлкалар қуришни авж олдириб юбордик. Бугунги кунда 80 та шундай посёлка турли босқичда тайёр ҳолдадир. Уларнинг баъзиларини сизлар кўрасиз.

Биз ана шу мақсадлар учун 500 миллион сўмдан ортиқ капитал маблағ сарфладик. Шуни рўй-рост айтиш керакки, бундай бурилиш осон бўлмади. Область партия комитети бюроси ана шу хўжаликларни аллақачон истиқболсиз, деб билган кишиларнинг ялпи қаршилигига дуч келди.

Бундан ташқари область партия комитети шаҳар ва район марказларидаги корхоналар ва ташкилотлар ёз мавсумида биттадан янги посёлка қуриш мажбуриятини олиш тўғрисидаги халқ ҳашари ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бундай ташаббус май ойидаёқ юзага келган эди, кузга бориб эса биз тўла ободонлаштирилган ва йўллари бўлган 28 та кичик посёлкани бирин-кетин қабул қилиб олдик. Агар биз бутун чоралар билан мана шу усулни жорий этишга муваффақ бўлсак, қишлоқни тезроқ қайта тиклаган ва қарзимиздан қутилган бўлур эдик. Якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳам жонланиб кетди. Буларнинг ҳаммаси уч йил ичида уй-жойлар қуришни учдан бир баравар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, бошқа социал маданий-маиший объектлар қуришни 1,5—2 баравар кўпайтириш имконини берди.

Шунга қарамай, қишлоқда қурилиш энг муҳим ишдир. Бизда бинокорлик материаллари жуда кам, қишлоқни газлаштиришни чинакамига авж олдира олмаяпмиз, электр таъминоти билан боғлиқ масала ҳал этилмаган. Электр тармоқлари жуда ёмон. Уларни алмаштириш ёки реконструкциялаш тўғрисидаги масалани ҳеч ким ҳал этмаяпти.

Биз вужудга келган вазиятдан чиқиб олиш учун иккита завод — ғишт ва селикат блоклари заводларини қура бошладик, монолит қурилишни авж олдиряпмиз. Пардозлаш плиталари ишлаб чиқарадиган завод қуриш тўғрисида Италия фирмалари билан шартнома имзоланди. Черипица тайёрлайдиган қувватлар яратиш тўғрисида Ғарбий Германия корхона эгалари билан музокаралар олиб боряпмиз. Вақти келиб буларнинг ҳаммаси бўлади. Аммо кутиб ўтириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳозир бизга ёрдам керак.

Бироқ уй-жойлар қуриш билангина иш битмайди. Одамларни қаердан олиш тўғрисидаги масала бизни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишлантирар эди. Бу ишда биз «Комсомольская правда» газетасидан жиддий мадад олдик. «Правда», «Известия», «Советская Россия», «Сельская жизнь» газеталарида эълон қилинган сермазмун ва ҳолис мақолалар, радио ва телевидение эшиттиришлари муҳим роль ўйнади. Одамлар қишлоқларимизга доимий яшаш учун келдилар. Шу кунгача 30 мингдан ортиқ ариза тушди. 800 та сут соғувчи етишмас эди — 1500 нафар сут соғувчи келди. Шунингдек 2000 дан ортиқ механизатор, жами салкам 13 минг киши келди. Ҳувиллаб қолган қишлоқларга одамлар қайтадан кўчиб кела бошлашди. Айни вақтда асосан илгари ўзлари яшаб турган жойлардан кетиб қолган ёшлар келишмоқда. Москва, Белоруссия ва мамлакатнинг бошқа регионларидан ҳам одамлар бу ерга келишмоқда. Ниҳоят, қишлоқда болалар овози, болалар кулгуси янгради. Қўшимча равишда 59 та мактаб очишга тўғри келди. Лекин бу қувончли ташвишлардир. Бундай юмушлар қанча кўп бўлса, шунча яхши! Биз комсомолнинг «Қишлоқда яшайман» деган шиор остидаги ташаббуси учун ундан миннатдормиз. Комсомолга йўқолиб кетган рус қишлоқларини қайта тиклашда ёрдам беришдек конкрет иш топширилганда, унинг ўзи ҳам гўё жонланиб кетди. Бу ерга баъзан кишини ажраблантирадиган шундай хатлар келади: «Мен, эҳтимол, сизларга тўғри келмасам керак, ёшим анчага бориб қолган, 36 ёшдаман, аммо мени қабул қилишингизни сўрайман...»

Краснодар ўлкасининг Кушчевская станциясидан Анна Алексеевна Кравцова мана шундай деб ёзади: «Биз сизлар яшаб турган жойлар табиатини кўздан кечирдик, у ер бизга жуда манзур бўлди. Авлод-аждодимиз деҳқон бўлган 14 кишилик оиламиз сизлардан ер ва ферманн ижарага олишни истайди. Муддаомиз — иложи борича кўпроқ сабзавот ва гўшт маҳсулотлари олишда мамлакатга ёрдам беришдан иборат...»

Москва шаҳридан Сидорушкинларнинг ёш оиласи «Заминга қайтиш» телепрограммасини кўргандан кейин Орёл областидаги қишлоқда яшаш ва ишлаш ниятида бўлганини маълум қилади. Москвалик Сичевлар, Қрим областидан Голублар оиласи ва ҳатто Днепропетровскдан маккажўхори илмий тадқиқот институтининг аспиранти Камеренко шундай истак билдирмоқдалар. Камеренко қишлоқда кооператив ташкил этиш ниятида эканини билдиради.

Бироқ аҳолининг кўчиб келиши демографик муаммони ҳал этишга ёрдам берсада, лекин уни кун тартибидан бутунлай чиқариб ташламайди. Ўз аҳолимиз кўпайиши муҳимдир. Одамлар билан эса ҳар қандай вазифаларни ҳал этиш мумкин.

Қолоқ хўжаликлар экономикасини юксалтириш бақувват ва юқори рентабелли колхоз ва совхозлар билан иш олиб бориш сусайтириб юборилишини билдирмайди. Аксинча, биз уларнинг кўпчилиги илгари эришган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолаётганларини пайқаб олдик. Область партия комитети бюроси областдаги 60 та энг яхши хўжалик ишини ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келди. Ана шу хўжаликларга, одатдагидек, хизмат кўрсатган, обрўли кишилар бошчилик қилмоқда. Уларга шу ҳақда рўй-рост гапиришга тўғри келди. Бизда махсус программа шу тариқа юзага келди. Ана шу программага мувофиқ илғор хўжаликлар ҳам ижара муносабатларини ўзлаштириб, маҳсулот етиштиришни 1,3-1,5 баравар кўпайтиришга қарор бердилар.

Ниҳоят, биз гўшт етиштиришни ўзимизнинг энг қийин муаммомиз, деб ҳисоблаб, мазкур муаммони ҳал этиш учун ҳар қандай йўллардан фойдаланишга ва улардан энг жадал ҳал этиш мумкин бўлгани-аҳоли хонадонларидаги қорамоллар туёғини икки баравар кўпайтиришни, молларни хонадонларга ижарага беришни ривожлантиришга, ҳар бир хўжаликда бир-иккитадан оилавий кооператив ташкил этишга қарор бердик. Айни вақтда биз ҳар бир районда қорамолларни 20 кунлигидан бошлаб сўқимга боқадиган комплекслар ва чўчқачилик комплексларига эга бўлиш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Бунда биз мана шу барча ишларни фақат ўзимиз етиштирадиган ем-хашак ҳисобига амалга оширишни мўлжаллаяпмиз.

Маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш соҳасида жуда кўп ҳал этилмаган масалалар тўпланиб қолди. Бу масалалар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жиддий тўсқинлик қила бошлади, меҳнаткашларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда бу ҳақда ҳаққоний гапирилди.

Аҳволнинг кескинлигини камайтириш учун бу соҳага кўпроқ маблағ ажратилиб, улар ўзлаштирила бошлади. Гўшт ва колбаса маҳсулотлари, табиий пишлоқ, кондитер маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватлар ишга туширилди. Орёл шаҳрида музқаймоқ фабрикаси, 560 тонналн холодильник, 45 минг тонна картошка, сабзавот ва мева сақланадиган омборлар қуриб битказилди. Тузланган карамни экспорт қилиб, 18 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ола бошладик.

Шунга қарамай маҳсулотни қайта ишлашнинг моддий техника базаси заиф эканлиги ҳамон жиддий ташвишлантирмоқда. Икки йилдирки, биз янги гўшт комбинати қуриш учун лойиҳани ололмаяпмиз, мавжуд корхоналарни реконструкциялашни лойиҳалаш масалалари суст ҳал этилмоқда. Айни вақтда, одатдагидек ана шу лойиҳаларга эски технология асос қилиб олинмоқда. Айниқса дала шароитига мослаштирилган маҳсулотни қайта ишловчи кичик-кичик цехлар ва ҳатто ошхоналар учун технологик ускуналар йўқ. Биз бу борада анчагина қийинчиликлар борлигини тушунамиз. Лекин бу масалалар тезроқ ҳал бўлишини истаймиз. Бу эса бутун агросаноат комплексини ривожлантиришни жадаллаштириш учун қўшимча имконият яратади.

Айтиб ўтилган барча фикрларни ҳулосалаб, область агросаноат комплексини қайта қуриш соҳасидаги мана шу барча ишлар бизга нима берди, — деган саволга жавоб қайтариш муҳимдир. Энг аввало партия Марказий Комитети ишлаб чиққан сиёсий йўлнинг тўғрилигига, унинг жонкуяр тарафдорлари ва тарғиботчилари борлигига ва бу йўл дастлабки натижалар берганлигига ишонч бахш этди.

Уч йил ичида дон етиштириш 46, қанд лавлаги етиштириш 36 процент кўпайди, ем-хашак тайёрлаш деярли икки баравар ортди. Озуқа етиштириш ҳамма жойда мустақил тармоқларга ажратилиб, коллектив ва ижара пудратига ўтказилди. Натижада биз ҳар бош қорамол учун деярли 30 центнер озуқа бирлигига эга бўлдик. Икки йилдан бери область ташкилотларига ҳеч ким озуқа сўраб мурожаат қилмаяпти ва шунинг натижасида бугунги кунда 9 та район ҳар бир сигирдан қўшимча 400-500 килограммдан сут соғиб олмоқда, умуман область уч минг килограммли маррага яқинлашиб қолди. Тўрт йил ичида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут салкам 1000 килограмм кўпайди. Бу йил пландан ташқари қарийб 100 минг тонна сут сотилади. Бизда уч йил давомида гўшт ҳарид қилиш 30 процент, сут ҳарид қилиш эса 27 процент кўпайди. Бешта энг йирик район, 108 та колхоз ва совхоз ҳар бир сигирдан 4 минг килограмм сут соғиб олиш учун курашни авж олдириб юборди. Тўғрисини айтганда, илгари бу ҳақда ҳатто орзу ҳам қилмас эдик! Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш юзасидан беш йилликнинг контрол рақамларига муддатидан икки йил илгари эришиш имконини берди.

Пландан ташқари маҳсулот етиштирганлигимиз туфайли биз маҳаллий таъминот учун 35 процент гўшт, сут маҳсулотларини эса 17 процент кўп сотишга муваффақ бўлдик. Биз аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини амалда ҳал этяпмиз. Ёғ, пишлоқ, чўчқа ва парранда гўшти, тухум давлат чакана нархлари бўйича, колбаса ва мол гўшти эса комиссион нархларда сотилмоқда.

Айни вақтда область партия комитети бизда интенсивлаштириш даражаси ҳозирча паст эканлигини яхши тушунади. Область айниқса дон, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта резервлар ва имкониятларга эга. Аҳолини уй-жой, халқ истеъмоли моллари, медицина ва маданий-маиший товарлар билан таъминлаш муаммоси ўткир бўлиб турибди. Шу боисдан ҳам область меҳнаткашлари Ноқоратупроқ зонага берилаётган эътибор ва ёрдам учун партия Марказий Комитетидан, ҳукуматдан ғоят миннатдордирлар. Бу эса бизга ўз имкониятларимизни активлаштиришда куч бағишламоқда. Ҳозир бу ерда ўтаётган партия конференцияларида коммунистлар областнинг ҳар бир аҳолиси учун икки ярим тонна дон, 1 тонна сут ва 2 центнер гўшт етиштириш маррасига чиқиб олиш вазифасини ўз олдиларига қўяётганликлари бежиз эмас. Биз чорвачилик маҳсулотининг 60-65 процентини иттифоқ — республика фондига юбораётганимиз учун ҳам шундай қилишимиз зарур.

Аммо, ўртоқлар, ошкора гаплашиб олайлик. Биз ўз ҳаётимизда, эҳтимол неча бор танг вазиятдан қутилиш ғояларини ишга солгандирмиз. Машина-трактор станцияларини тарқатиб юборганимизда, область партия комитетларини қишлоқ ва саноат комитетларига бўлиб юборганимизда, хўжаликлар ва районларни йириклаштириб, ихтисослаштириш ва концентрациялашга асосий эътиборни қаратганимизда, техникага хизмат кўрсатишнинг Богодухов методини ўзлаштирганимизда ва шунга ўхшаш ишларни амалга оширганимизда ана шундай қилганмиз. Бироқ сезиларли ўзгаришлар бўлмаган. Ана шу ишларда одамларнинг манфаатлари ҳисобга олинмай қишлоқ турмуш укладининг ўзига унчалик дахл қилмаганлиги барча мана шу йўналишларнинг салбий жиҳати бўлди, деб ўйлаймиз. Бу ўзгаришлар гўё деҳқонга тегишли бўлмади, шунинг учун ҳам у ана шу ўзгаришларга бефарқ муносабатда бўлди ва у гўё асосий йўлдан четда яшашни давом эттирди.

Ижарани жорий этиш, қишлоқни социал қайта қуриш муносабати билан бундай лоқайдликка чек қўйилади, чунки бу нарса меҳнаткашлар турмушининг асосига, жамиятимиз бутун организмини ташкил этадиган жонли ҳужайраларга дахлдордир. Қайта қуришнинг муқаррар кучи, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги ютуқлар гарови мана шундан иборат.

Шунга қарамай, янги ишлар ўзига қийинчилик билан йўл очмоқда. Энг аввало эскича фикрлаш бунга тўсқинлик қилмоқда. Бугунги кунда ижарага кўпинча «социализм софлиги учун» кураши байроғи остида яширин формада қаршилик кўрсатилмоқда. Ҳатто орадан 20 йил ўтгач аҳволингиз нима кечади? — деган мазмундаги хатлар кела бошлади.

Ҳар ҳолда яхшироқ ишлаймиз ва яшаймиз. Бугун шу нарса равшан: интеллектуал имконият яратилмоқда, билимдон кадрларга эгамиз, борадиган йўлимиз аниқ. Бу йўлда қишлоқни қайта тиклаш пайти келганини тушунмаётган одамлар, қандайдир «қора кучлар» борлиги яна ҳам ачинарлидир. Навбат кутишлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари етишмаслиги, наҳотки, социализмнинг софлиги бўлса? Айни мана шу нарса одамларни ҳаммадан кўпроқ ғижинтирмоқда, уларнинг турмушини ёмонлаштирмоқда.

Янги иқтисодий муносабатларни ўзлаштириш якунларига баҳо берар эканмиз, бундай муносабатлар айрим жойларда жорий этиладиган ва фақат одамларнинг кучига асосланадиган бўлса, улар истиқболсиз эканлигини пайқаш қийин эмас. Агар ана шу форма ҳисобига дастлабки ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлса-да, келгусида бу формани — кичик механизация воситаларини, илғор технологияларни қўлланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш маданиятининг ҳозирги даражасини таъминлайдиган, одамларнинг дам олиш, ўқиш имкониятига путур етказмайдиган, бемалол яшаётган, тайёрга айёрлар ва бекорчилар учун имконият бермайдиган меҳнат шароитини вужудга келтириш билан тезроқ мустаҳкамлаш керак. Ҳар бир янги посёлка эндиликда оилавий ижара фермаси билан биргаликда топширилишига қаратилган йўл—бу муаммони маълум даражада ҳал этиш имконини беради.

Бироқ ижара қарор топиши учун бу ишга киришган одамларнинг комил ишончи бўлиши зарур. Ижарачига, заминда мустаҳкам турган меҳнаткаш инсонга устунликни таъминлайдиган ижара тўғрисидаги қонун бўлиши керак. Атоқли рус аграрчи-иқтисодчи олими А. В. Чаяновнинг сўзлари билан айтганда, «шундай қилиш керакки, деҳқон қишлоқдан кетиб қолмайдиган, у қишлоқда бекаму-кўст яшайдиган бўлсин». Аммо биз ижара пудратини қўллар эканмиз, ер тўғрисидаги СССР Қонуни асосларининг 50-моддасини бузаётгандек кўринамиз. Ана шу моддада ерни ижарага бериш тақиқланади, деб тўғридан-тўғри айтилган. Демак ижарачи қонунни бузувчи экан-да?

Ёки бўлмаса шундай масалани олиб кўрайлик: ижарачига норма-смена, эталонли тракторлар, шартли гектарлар ва шунга ўхшаш нарсаларнинг кераги борми? Буларнинг ҳаммаси эскича муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидир. Ижарачи учун у ишлаб чиқаришга қанча маблағ сарфлаганлиги ва маҳсулотни қандай нархда сотганлиги муҳимдир. Ижарачи ҳам, бутун халқ хўжалиги ҳам мана шундай соддалаштиришдан ютади. «Вишне-Ольшанский» совхозининг директори С. А. Будагов бир пайтлар айганидек, у ижара пудратига ўтилгандан кейин ҳисобот учун кетадиган қоғозларнинг ўзидан ярим тонна тежаган. Агросаноат комплексини ривожлантиришнинг мана шу ва бошқа масалалари КПСС Марказий Комитетининг бўлажак февраль Пленуми қарорларида ўз аксини топади, деб ўйлаймиз.

Ўртоқлар! Қишлоқни қайта тиклаш, ижара муносабатларига ўтиш—жуда катта сиёсий аҳамиятга молик бурилишдир. Янги иқтисодий сиёсат ва коллективлаштириш давридан буён биз биринчи марта базисни, турмуш негизини ислоҳ қилаяпмиз, инсоннинг заминга табиий қизиқишини қайта тиклаяпмиз. Гарчи бу нарса муҳим бўлсада, бу ишни фақат тўкинчилик учун қилмаслигимиз керак. Деҳқонни қайта намоён этиш, унинг турмушини соғлом фикр ва юксак мақсадлар нури билан ёритиш, унга фикрлаш ва ўз ташаббуслари учун имконият яратиш янада муҳимдир. Бизнинг авлодимизга мансуб коммунистлар бу вазифани охирига етказиш учун ҳамма ишларни қилишлари керак. Фақат ўшандагина қайта қуриш ва янгиланиш учун кураш муваффақият билан тугайди, деб айтиш мумкин бўлади. Энди орқага чекиниб бўлмайди, бунинг учун халқ бизни кечирмайди.

Пировардида, ўртоқлар, яна бир нарса тўғрисида гапиришни истардим. Заминимиз катта маданий меросга бойдир. Бу ерда бутун дунёга машҳур ёзувчилар ва шоирлар: туғилган кунининг 170 йиллиги яқиндагина нишонланган И. С. Тургенев, И. А. Бунин, Н. С. Лесков, А. А. Фет, Л. Н. Андреев, А. Н. Апухтин, М. М. Пришвин дунёга келганлар ва ишлаганлар.

Бу ерда, мана шу заминнинг кўзга ташланмайдиган, аммо унутилмас гўзаллигидан илҳом олган тарихчи Т. Н. Грановский, қутб тадқиқотчиси В. А. Русанов, авиаконструктор Н. Н. Поликарпов, композитор В. С. Калинников ҳамда маданият, илм-фан ва санъатнинг бошқа атоқли арбоблари номлари мамлакатимизда кенг машҳурдир. И. С. Тургенев бежиз бундай деб ёзмаган эди: «Мен бу ерда бўлганимда, нафас олишим, ёзишим осон кўчади, гўё ҳавонинг ўзи фикрлар билан йўғрилгандек».

Азиз ўртоқлар, Орёл диёрида, Тургенев заминида сизларга яхши фикрлар ва яхши кайфият тилайман!

Бизнинг совхозимиз марказдан олисда жойлашган, кўп тармоқли хўжалик. Орёл областида, Ноқоратупроқ ўлкада бундай хўжаликлар кўп, деди Должанский районидаги «Вишне-Ольшанский» совхозининг директори **С. А. Будагов.** Бизнинг муаммоларимиз ҳам, ташвишларимиз ҳам бир хил. Ишлар комплексини уддалаш учун четдан ўнлаб механизаторларни, бошқа ходимларни жалб этишга тўғри келди. Айниқса, чорвачиликда кадрлар етишмас эди. Очиғини айтганда, турмушнинг ўзи мени ижара пудратининг ашаддий тарафдори қилиб қўйди. Совхозда ўн йилдан бери ишлаяпман. Хўжаликни оёққа турғазиш учун зўр ғайрат-шижоат билан ишладик. Моддий базани мустаҳкамладик, меҳнатни ташкил этиш усулларини ўзгартирдик, аммо кўрсаткичлар суст ўсди ва бизни қаноатлантирмади. Совхоздаги ишга муносабатни қандай қилиб ўзгартириш, бефарқликни қандай қилиб тугатиш ҳақида ўйлай бошладик. Чунки, одатда, ҳамма уйида яхши ишлайди. Бир мисолни айтиб берай. Бизнинг совхозимизда М. И. Дорофеев деган одам бор, ўз шахсий хўжалигида 2 бош сигир, 3 бош чўчқа, 20 қути асалари боқади. Ҳар бош сигирдан 6 минг килограмм сут олади, картошка ҳосили эса гектар ҳисобига 400 центнерни ташкил этади. Бизнинг Орёл областимизда ҳатто узум ва қовун ҳам етиштираётганликларини айтмоқ керак. Мана шу одам ўз уйида жуда яхши хўжайин, совхозда эса ўртача ходим. Биз ундан, Михаил Иванович, нега сиз совхозда ёмон ишлаяпсиз, деб сўрадик. Совхозда ишлаш манфаатли эмас, чунки совхозда 70 сўмдан кам тўламайдилар, 200 сўмдан ортиғини эса бермайдилар, деб жавоб қайтарди у. Мана шунда биз одамларни қай йўл билан манфаатдор қилиш кераклиги ҳақида бутун партия ташкилоти билан биргаликда ўйлай бошладик. Энди бу масала бизга равшан, албатта. Ижара — асосий йўл. Бундан бошқа йўл мутлақо йўқлигига аминман.

Бизнинг областимизда ижара пудрати билан ўтган йили тузукроқ шуғуллана бошладилар. Ишни ижара пудратига бағишланган область семинаридан бошладилар. Область партия комитетида ҳар бир хўжаликнинг раҳбари ўқитилди, агросаноат комплекс системасида ва район партия комитетида машғулотлар уюштирилди, имтиҳонлар олинди. Ижара пудрати ғояси бизга ҳам ёқиб қолди. Партия ташкилотининг секретари билан бирга уйма-уй юрдик. Одамларни топиб, уларни ишонтирдик. Ўтган йилнинг ноябрида чорвачиликда 4 та ижара звеноси ташкил этдик. Бундай самара бўлишини ўзим ҳам кутмаган эдим. Ижара бамисоли портловчи тўлқиндек бўлди. Ижарачи звенолар икки ойлик иш давомида сут соғиб олишни бир ярим баравар, молларни семиртиришни икки баравар кўпайтирдилар. Чиқим камайди ва айни маҳалда ижарачиларнинг даромадлари кўпайди. Хуллас, жонли намуналар ҳеч қандай гап-сўзсиз бошқа ходимларни ижара пудратининг афзаллигига ишонтирди. Шу ойларда совхоз ҳаёти қайнаб кетди. Моддий жиҳатдангина эмас, шахсий қизиқиш оширилганлиги туфайли шундай бўлди. Декабрда биз ижарачи звенолар тузиш юзасидан ташкилий иш ўтказдик, бундай звеноларнинг аъзолари ўзларига маслакдошлар танлаб олишди. Шу йилнинг январида бутун совхоз ижара пудратига ўтди.

Ҳозир совхозда бўлимлар ва бригадалар ўрнига 3—7 кишидан иборат 37 та ижарачи коллектив ташкил этилган. Шундан 9 таси оилавий коллективдир. Бундай коллективларда меҳнат иштироки коэффициентини ва балларни ҳисоблашга, дам олиш ва отпуска графикларини тузишга зарурат қолмади. Бу масалаларни оиланинг ўзи ҳал этади.

Янги муносабатларни хоҳламайдиганлар ҳам топилди, албатта. Механика устахонасининг ходимлари янги усулга қарши чиқишди, чунки улар иш бор-йўқлигидан қатъи назар бутун умр маош олиб келганлар. Бутун совхоз пудратга ўтганида эса улар ёлғиз қолишди, бўлар иш бўлганидан кейин уларнинг бошқа иложи қолмади, уларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системасини таклиф этдик. Чунки биз энди ҳамма нарсани, деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам ҳар бир тийинни ҳисоблашимиз керак. Улар икки ой қийналишди, 40—50 сўмдан маош олишди. Устахона ходимлари қисқартирилиб, шартномалар тузилгач, улар жуда яхши ишлай бошладилар.

Бошқарув аппаратидаги қирқ кишидан ўн тўрт кишини қолдирдик. Мутахассислардан ўн икки киши биринчи бўлиб ижарачи коллективга ўтиб ишлай бошладди, ҳозирги босқичда совхознинг бошқарув ходимлари бамисоли ижарачи звеноларга хизмат қилаётган кооперативга айланди, улар технология, моддий-техника таъминоти, маҳсулотни сотиш масалаларини ҳал этмоқдалар. Уларнинг меҳнатига даромаддан ажратма нормативлари орқали ҳақ тўланмоқда. Агар илгари фермадаги 5200 чўчқани 53 киши боққан бўлса, ҳозир 23 ходим ёки 8 ижарачи звено бу ишни уддаламоқда. Тўртта оилавий звено чўчқани бўрдоқига боқмоқда, уларнинг ҳар бири 700—800 бош чўчқани ўз қаровига олиб, йил давомида 100 тоннагача гўшт етиштирмоқда. Илгари битта мана шундай молхонада 5—7 киши ишлаб, 25—30 тонна гўшт етиштирар эди.

Кечагина хўжаликда кадрлар етишмаётган эди, энди бўлса совхознинг бўшатиб олинган 60 нафар ходимидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш ҳақида ўйлашга тўғри келяпти. Озуқа комбинатини қуриб битказяпмиз, жувозхона, совхознинг ғишт заводини қуряпмиз.

Ижарачи коллективлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар жуда оддий ва қулай, бу муносабатлар олди-сотди принциплари асосига қурилган, биз ижарачиларга планни ҳам, хўжалик ҳисоби топшириқларини ҳам, харажатлар лимитларини ҳам белгилаб бермаймиз. Улар фақат икки кўрсаткични: ҳисоб-китоб ва план-ҳисоб нархларинигина биладилар. Звенолар ўртасидаги дастлабки ҳисоб ва ўзаро ҳисоб-китобнинг ҳаммаси чек дафтарчасига ўтказилади, булар ҳар куни тийинигача ёзиб борилади. Қоғознинг ўзидан бир ярим тонна тежаладиган бўлди.

Ижарачилар ўз иш ҳақини ўзлари ҳисоблаб чиқарадилар ва ведомостни бухгалтерга топширадилар. Совхоздаги барча категориядаги ходимлар меҳнатига фақат маҳсулот учун ҳисоб-китоб нархлари орқали ҳақ тўланади. Ҳисоб-китоб нархларига бевосита ҳақ ва ҳамма турдаги қўшимча ҳақлар, шу жумладан 13-маош ва иш стажи учун устама ҳақ ҳам қўшилади. Илгари иқтисодчилар, бухгалтерлар, ҳатто хўжалик раҳбарининг ўзи ва бош мутахассислар ҳам иш ҳақи ва устамани ҳисоблаб чиқишга вақтларининг ярмисини сарфлар эдилар. Кимнидир жазолаш, кимнидир мукофотлаш керак эди. Энди бундай деб ҳисоблаймиз: агар сен юқори малакали, тажрибали ходим бўлсанг кўпроқ маҳсулот етиштиравер, ана шунда кўпроқ ҳақ оласан. Биз бозорга борганда маҳсулотни қандай малакали ходим етиштирган, деб сўрамаймиз-ку, ахир, бир хил маҳсулот учун ҳаммага бир хил ҳақ тўлаймиз-ку.

Мамлакатимизнинг турли районларидан жуда кўп кишилар ҳузуримизга келиб, биринчи галда сизлар қандай янгиликни ўйлаб топдингизки, одамларингиз ижарага шу қадар киришиб кетишган, деб сўрайдилар. Бу ўринда ижара пудратига ёндашувнинг ўзи муҳим. Директор, иқтисодчилар, бухгалтерлар, мутахассислар ходимларни чақиртириб, ўн беш—йигирма килограмм келадиган қоғозлар уюми ёрдамида тарғиб қилиб ишонтира бошлашларини кўрган киши ачиниб кетади. Улар бу ходимларга: мана бу қоғозга харажатларингиз лимити, мана бунисига ҳисоб-китоб топшириқлари ёзилган, илтимос, шу усулга ўтинглар. Тежаганингиз ва ошириб бажарганингиз учун ҳақ оласизлар, деб тушунтирадилар. Буни кўрган ижарачи дарров юзини четга буради, модомики қоғоз кўп экан, барибир алдашади, деб қўрқади. Биз бўлсак ижарачилар ҳузурига бир варақ қоғоз билан бордик. Ўзимизни уларнинг ўрнига қўйдик ва энг зарур рақамларнигина тушунтириб бердик. Ижарачи моддий ресурсларни қанча нархда олишини ва тайёр маҳсулотни қанча нархда сотишини билиши керак. Уларга мана шу икки рақамгина муҳим. Мана шундагина улар, ҳаётимизда бизни ҳеч ким алдамас экан, деб ишонч ҳосил қиладилар.

Хўш, ижара пудрати хўжаликка қандай наф берди? Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи маҳсулот етиштириш 59 процент, ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўн ой ичида 640 килограмм кўпайди. Ҳали яқиндагина ҳар бош сигирдан йилига 3 минг килограмм сут олишни орзу қилар эдик, ўн ойда эса 3500 килограмм сут олдик, молларнинг семириши икки ҳисса ошди. 400 тонна гўшт сотиш плани белгиланган бўлса, бу йил давлатга 530 тонна гўшт сотдик ва йил охиригача яна 100 тонна сотамиз. Ишлаб чиқариш рентабеллиги 54 процентга етди. Ҳар бир ходим ҳисобига 16 минг сўмлик маҳсулот етиштирилади. Лекин мен одамларнинг кайфияти, аҳвол руҳияти ўзгарганини энг асосий ғалаба деб ҳисоблайман. Инсон ўз ишининг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолаётганини кўриб қувоняпмиз. Яқинда уруш ветерани менинг ёнимга келди. Молхонани ремонт қилиш учун уйдан фермага тахта олиб боришаётганини қаранг, дейди у. Агар уйга тахта керак бўлмаса, уни сотиб олишнинг нима ҳожати бор.

Қишлоқда ижара кенг жабҳа бўйлаб ёйилмоқда. Бизнинг районимиздаги ҳамма хўжаликлар шу усулда тўла-тўкис ишламоқда. «Заря мира», «Искра» колхозлари ва «Луганский» совхози шулар жумласига киради. Ҳозир ижарачилар қишлоқдаги асосий фигура бўлиб қолди, ҳамма масалалар уларнинг теварагида ҳал этилмоқда. 1 январдан бошлаб районимизда ишлаб турган ҳамма кишилар ўзаро ижара муносабатлари орқали алоқа ўрнатадилар.

Бунда ижара муносабатларининг ҳар хил шакллари бўлади. Районда йил бошида ижара усулига ўтган кишилар ҳатто йил сайин илғор бўлиб келганлардан ҳам ўзиб кетишди. Районда бизнинг совхозимиздан чиққан ва беш йиллаб ишлаётган хўжаликларнинг раҳбарлари бор. Улар саломатлигим кўтармаяпти, деган важ билан ёки бошқа баҳоналар билан ишни ташлаб кетмоқчи эдилар, энди бўлса қандай қилиб кетишади? Бултур бу хўжаликларда ижарага ўтилди. Илгари йўлсизликдан қийналар эдик, энди бўлса бизга йўл кўриниб турибди, биз асфальтланган катта йўлга чиқиб олдик, дейишяпти улар. Улар маҳсулотни кўпайтиришди, кайфиятлари чоғ.

Ижара ривожланиб бормоқда. Биздагилар ижара муносабатларининг иккинчи давраси бошланди, дейишмоқда. Шу кунларда бизга 25—30 сигир боқиладиган кичик-кичик оилавий фермалар тузиб, ерни ижарага бериш ҳақидаги илтимос ёзилган ўн битта ариза тушди. Биз бу ишга киришдик, ҳозиргача молхоналарни ҳам қуриб қўйдик. Икки-уч ой ичида иқтисодий муносабатларни пухта ишлаб чиқамиз ва тахминан баҳордан бошлаб кенг миқёсда оилавий фермалар қурамиз.

Оилавий ферма қишлоқдаги ҳамма муаммоларни ҳал этади, аввало болалар тарбияси, иккинчидан, эркин инсоннинг эркин меҳнати йўлга қўйилади. Уч километрга йўл юриб ишга боришнинг кераги бўлмайди. Ҳамма нарса — уй ҳам, ферма ҳам ёнингда. Юқори самарали технология, то компьютергача қўлланиладиган юксак механизация жорий этилади. Мана шунда оилавий ферма — уч ва уч ярим минг килограмм эмас, балки олти—етти минг килограмм сут соғиб олиш вазифасини ўртага қўяди. Бундай ферма инсоннинг қобилиятини тўла-тўкис рўёбга чиқаради.

Совхоз партия ташкилоти ташлаб қўйилган, истиқболсиз деб ҳисобланган ҳамма қишлоқларни шу йўл билан қайта тиклашга қарор қилганини меҳнат, уруш ветеранлари, пенсионерлар эшитиб қолиб, бизнинг ҳузуримизга келдилар ва миннатдорчилик билдирдилар: кексайиб қолган бўлсак ҳам ҳайрли ишда ёрдам берамиз, ташлаб қўйилган қишлоқларни қайта тикланглар, деб айтишди. Хуллас, истиқболсиз ҳамма қишлоқларни қайта тикламоқчимиз. Ёшлар ҳам бунга қизиқиб қолишди. Қримдан келишяпти. У ердан келган икки оила ферма олиб ишламоқчи.

Совхоз директори бўлганим учун мен ижара муносабатлари тўғрисида гапирганда аввало ижарага ёндашув ҳақида ўйлаяпман. Ижара — иқтисодий ислоҳот. Аммо ижарага иқтисодий назар билан қаралмаяпти. Хўжалигимизга кўп киши келаётганини айтиб ўтдим. Ижарачиларнинг иш ҳақи жуда катталиги ҳаммани ташвишга солаётган бош масаладир. Биз Марказий Комитетда ижарачилар билан учрашувга борганимизда Е. С. Строев сўзга чиқиб, олимлар ҳисоб-китоб нархини танлаб олишда тўғри йўналишни кўрсатиб берадиган пайт келди, деб айтди. Шундан кейин Белоруссиядаги совхоз директори сўз олиб, Орёл обкомининг биринчи секретари саволига: тийинни бўлиб юрманглар, ўртоқлар, деб жавоб қайтарди. Кенгашдан кейин унинг ёнига бориб, тийинни бўлиб юрманглар, деганингиз нима, деб сўрадим, у бўлса: ҳисоб-китоб нархларини ким тузган? Экономистлар тузишган. Қандай тузишган? — СССР Давлат агросаноат комитетининг тавсиясига биноан тузишган, дейди.

**(Давоми учинчи бетда).**

